

“ЮЛДУЗЛИ ТУНЛАР” РОМАНИДАГИ ТЎҚИМА ОБРАЗЛАР ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Саломова Гулжамол

Андижон давлат университети 2-босқич магистри.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18892404>

Аннотация. Ушбу мақолада П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидаги тарихий ва тўқима образларнинг романдаги аҳамияти, унинг тарихий асоси масалалари ёритилган.

Таянч сўзлар: “Юлдузли тунлар” романи, тарихий ва тўқима образлар, тарихий асос, тарихий-биографик роман.

Тарихий романлар устаси Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида шоҳ ва шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти тасвирланган. Биламизки, ёзувчи бу роман устида ўн йил ишлаган, шунингдек, бу асар яратилган вақтда адиб кўплаб таҳқир ва танқидларга учради, истиклол шарофати билан асар ўзининг ҳақиқий ўқувчиларини ва кадр-кимматини топди. Роман “Аросат” ва “Такдир тақозоси” деб номланган икки қисмдан иборат. Унда Бобурнинг ўн икки ёшида отаси Умаршайх Мирзонинг бевақт ўлими сабабли тахтга чиқишидан тортиб Ҳиндистондай катта мамлакатда салтанант ўрнатгунигача бўлган машаққатли ҳаёти, эришган зафарлари-ю муваффақиятсизликлари, оилавий ҳаёти, Бобурнинг ички кечинмалари маҳорат билан акс эттирилади.

Асарда Бобур образини жонлантиришда унинг атрофида бир қатор тарихий образлар иштирок этган. Жумладан, Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо, онаси Қутлуғ Нигорхоним, суюкли опаси Хонзодабегим, хотини Моҳим, қизи Гулбаданбегим, ўғиллари Ҳумоюн, Камрон, Ҳиндол, Аскарӣ, душманлари Шайбонийхон, Аҳмад Танбал ва бошқа кўплаб тарихий шахслар романнинг тарихийлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Албатта, бу каби тарихий қаҳрамонлар асарнинг жонли ва ишончли чиқишида алоҳида аҳамиятга молик. Бу образлар китобхонда ўша давр ҳақида батафсил тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Шунингдек, тарихий асарларда масаланинг яна бир томони ҳам бор – бу тарихий бадиий асарда тўқима воқеа ва образлардан фойдаланиш масаласидир.

Ёзувчи қаҳрамонларининг ички кечинмалари, ўша давр халқининг руҳиятини китобхонга юктириши учун ҳам бадиий тўқималардан ўрни билан фойдаланади. Филология фанлари номзоди Ҳалимжон Каримовнинг “Тарихий шахс ва бадиий образ” китобида тўқима образ ҳақида шундай фикр мавжуд: “Тарихий шахс ҳақидаги бадиий асарда бош қаҳрамоннинг фаолиятини кўрсатишга, характер қирраларининг очилишига хизмат қилувчи халқ вакиллариининг тимсоллари-тўқима образлар ҳам яратилади.

Бундай образлар маълум тарихий давр фуқароларининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқи, руҳияти ҳақида маълумот беради, бадиий асарнинг тарихан ишонарли, ўқишли бўлишида муҳим аҳамият касб этади”. (2.82) “Юлдузли тунлар” романидаги Тоҳир ва Робиянинг севги қиссаси асарнинг бошидан охиригача иштирок этган муҳим тўқима образлардан биридир. Қувасойда кўприкни бузиб душман қўшинларининг енгилишига сабабчи бўлган Тоҳир роман воқеалари давомида кўп мусибатларни бошидан кечирилади. Қувада душман қўшинига асир бўлган Робияни излаб олти йил саргардон бўлади.

Сўнг Бобур мирзо қўшинига навкар бўлиб шоҳнинг ишончли одамларидан бирига айланади. Бобур мирзо мағлубиятга учраб хонумонидан айрилганда ҳам, ғалабага эришганда ҳам ёзувчи Тоҳирни доимо шоҳнинг ёнида тасвирлайди. Бобур халқдан чиққан саводсиз оддий бир йигит - Тоҳирга кўнгил дардларини, кечинмаларини ўзига яқин олиб бемалол айта оларди. Ҳатто унга ёзган байтларини ўқиб бериб дилдан суҳбат қуларди.

Умрининг сўнгида Бобур тожу тахтни Ҳумоюнга топшириб шоҳликни тарк этмоқчи бўлганда Моҳим бегимга шундай дейди: “Менга саройлару қасрларнинг кераги йўқ. Мана шу Зарафшон боғининг бир гўшаси бўлса бас... Ортиқча савдар-у мулозимлар ҳам даркор эмас. Тоҳир офтобачининг бир ўзи менга етарлик”. (1.546) Бобурнинг оддий фуқароларга нисбатан муносабатини шундан ҳам билишимиз мумкин.

Бундан кўришиб турибдики, романдаги тўқима образ орқали китобхон ўша давр фуқароларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, подшоҳ билан муносабати қандайлиги ҳақида тасаввурга эга бўла олади. Яна “Тарихий шахс ва бадиий образ” китобига мурожаат қилсак, Ҳ. Карим таъкидламоқдаки: “Тўқима образлар бадиий асар ғояси билан боғлиқ равишда бош қаҳрамоннинг мураккаб характер қирраларини тўлдирувчи ва очиб берувчи фазилятлар, белгилар билан таъминланмоғи керак”. (2.83) Тоҳир ана шундай фазилятлар ва белгилар билан таъминланган образлардан саналади.

Унинг мардлиги, адолатпарварлиги, ўз мақсадидан қайтмаслиги, тўғрисиўзлиги, элпарварлиги Бобурга руҳан яқинлаштирган хислатлардир. Романдаги Бобур ва Тоҳир ўртасидаги боғлиқлик оддий халқ ва ҳукмдор алоқаларини, халқнинг подшоҳга, подшоҳнинг халққа муносабатини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган. П. Қодиоров асарда Тоҳир ва Робиянинг қизиқарли севги тарихи линиясини беради. Бу муҳаббат мажороси ҳам тўқима бўлиб, бу воқеалар асарнинг ғоят қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Китобхон воқеалар ривожига фақат тарихий шахсларнинг ҳаётида юз берган ҳодисалардан ташқари ўша давр оддий фуқароларининг ҳиссиётларини, севги-ҳасратини, дардларини ҳис қила олади. Тўқима образларнинг севги қиссаси романнинг ўқишли бўлишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ёзувчи тўқима образлар орқали давр манзарасини ва миллий колоритни маҳорат билан кўрсатиб бера олган, бу эса асарнинг тарихийлиги ва ишонарлилигини оширган.

Романдаги Тоҳир образи ёзувчининг бадиий ҳаёлот маҳсули эканлигини таъкидлади. Лекин бу тўқима образнинг ҳам тарихий асослари борлигини назарда тутиш лозим. Бунга далиллардан бири “Бобурнома” асарида Тоҳир офтобачи деб келтирилган шахс ҳақида қисқа маълумот мавжуд. Лекин мемуар асарнинг бошқа ўринларида бу қаҳрамон ҳақида маълумотлар учрамайди. Бундан ташқари “Юлдузли тунлар” романида ёзувчи асарга эслатма сифатида шундай маълумотни киритган: “Бобурнинг фарзандлари орасида энг узоқ умр кўрган ва саксонга кирган Гулбаданбегим болалигида кўрган-билганларини “Ҳумоюннома”да батафсил ёзган. У отасининг охири пайтда тож-у тахтдан астойдил кўнгли қолганига, ҳокимиятни Ҳумоюнга бериб, ўзи Тоҳир офтобачи билан бир гўшада яшамокчи бўлганига далиллар келтирган”. (1.546) Романдаги тўқима образларнинг ҳам тарихий асослари мавжудлиги улкан ёзувчининг тарихий бадиий асарнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри ўзлаштирилганлигидан, шу билан боғлиқ равишда асарнинг бадиий қуввати юксак эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, маълум бир шахс ҳаётига бағишланган тарихий-биографик роман орқали нафақат ўша шахс ҳаёти ҳақида, балки халқимизнинг бой ва шонли тарихи, маданияти, маънавияти, қадриятлари, келажак авлодга бўлган муносабатлари ҳақида маълумотга эга бўламиз. “Юлдузли тунлар” романи ҳам шундай манбаларни ўзида мужассам этган асар бўла олди. Романдаги Бобур образини тўлақонли тасаввур этишга ёрдам берган тарихий ва тўқима образларнинг янада кўпроқ аҳамиятли томонларига эътибор қаратиш ва таҳлил этиш ёш адабиётшунослар олдидаги муҳим жиҳатлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пиримкул Қодиров. Юлдузли тунлар. Роман. –Тошкент: “Адабиёт учқунлари”, 2018
2. Ҳалим Карим. Тарихий шахс ва бадиий образ. Қўлланма. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006
3. Нурулла Аҳмедов. Тарихий шахс талқини. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат, 1989
4. Зиё.уз сайти
5. Дилмурод Қуроноов. Адабиёт назарияси асослари. –Тошкент: “Ношир”, 2019
6. Собиржон Мирвалиев. Тарихийлик ва замонавийлик. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1979